

9900025073

-сонли шартнома  
2-гурух Истемолчиларига ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатиш учун

«6» Январ 2022 й.

Ушбу шартнома “Наманган сув таъминоти” МЧЖнинг Дустлик булими, кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

И. Исаков

(Ф.И.Ш.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда “Истемолчи” деб юритилувчи

ПРБГЧИТ доясор ую  
Низоме асосида иш олиб борувчи директор

Н.С.Хенсаинова

(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар ҳақида тузишли:

### I. Шартнома предмети

1.1. 20 йилга сув етказиши ҳажми учун тузиленган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан бўён матнда II гурух истемолчилари деб юритилади) учун сув етказиши 3862,25 нарх бўйича 2662 м<sup>3</sup>ни:

1м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 3872,25 сўм (+ККС 15%), + 50 сўм (маҳсус устами ҳақ)ни ташкил килмоқда

1м<sup>3</sup> оқова сув учун 1006,25 сўм (+ККС 15%) + 50 сўм (маҳсус устами ҳақ)

Шу тарика шартноманинг умумий киймати 10281309,50 сўмни ташкил қилди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 10281309,50 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан ташқари маблағларидан 10281309,50 сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истемолчилари Коидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган хисобварап-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истемолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда (туман худудларида хоким томонидан тасдиқланган сув бериш жадвалига асосан) ичимлик сув билан таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (ККС ни хисобга олган ҳолда) хўжалик-майший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истемолчи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати курсатиш соҳасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тутрисида” ги 5241-сонли Фармонига асосан “Таъминотчи”га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни 100 % олдиндан амалга ошириши маъжбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талаблари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июндан 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истемолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари”га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ҳамда Наманган вилоят ҳокимининг 2019 йил “04” марта 83-ф-сонли Фармойишига асосан 2019 йил 1 марта ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига истемолчиларга ичимлик сув таъминоти учун 50 сўм/м<sup>3</sup>, оқова сув хизматлари учун 50 сўм/м<sup>3</sup> маҳсус устами жорий этилган ҳақни асосий тарифга кушишни ҳамда “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова сув чиқариш тизимида уланиши учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килиши маъжбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истемолчи» ушбу шартномага, унинг тасарутидан барча объектларининг (филиал ва суб-истемолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимида уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг микдори ва диаметрларини кўрсатсан ҳолда, кадастр нусхасини тақдим килади, “Таъминотчи”ни ўз вактида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор килади.

1.6. «Истемолчи»га белгиланган ичимлик сув таъминоти ва оқава сувларни қабул қилиб олиш миқдорий лимити (м<sup>3</sup>):

Хизмат турни	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Жами
Ичимлик сув	<u>1158</u>	<u>752</u>	<u>752</u>										
Оқава сув													

1.7. «Истемолчи» «Water control» дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС хабарнома орқали олиши, ўлчаш асбобини кўрсаткичини бериши, карздорлиги ҳақида ҳамда ўлчаш асбобининг ДНК муддати келганлиги тўғрисида огохлантирилиши мумкин. СМС хабар орқали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот хисобланади.

### II. Умумий коидалар

2.1. Ичимлик сув билан экинларни сугориш, ҳовлилар, йўлчакларига сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун ўрнатилган вактдан ташқари фойдаланиш қатъян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истемолчи (суб-истемолчи)ларнинг хўжалик-истемол ва коммунал-майший эҳтиёжлари, ёнгинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтинослашган истемолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истемолчининг тармокларидан сув олиб, оқова сувларни “Истемолчининг” канализацион тармокларига ўтвучи суб-истемолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини “Истемолчи” билан тасдиқланган “Коидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни хисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамгалangan бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини хисобга олиш ускунасини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. “Истемолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аниқланади, обектнинг максимал сув истемоли ва минимал сув истемолига текширилади ва “Истемолчи” билан келишилади. Хисоблаш курилмас учун ўрнатилган минимал истемол миқдоридан кам миқдорда сув истемол қилинганда, “Таъминотчи” сув ўлчаш тармогини қайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагандан, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари қабул килимайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш курилмаларини ишга тушириш, хисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истемолчиларининг уланиши Истемолчи томонидан факат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истемолчининг” сурʼономаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни иловга килган ҳолда берилади.“Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истемолчи” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошқа меъёрйи хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истеъмолчи” ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқова тизимлари, курilmalap ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истеъмолчи учун узатиш тармоғининг киритиш курilmаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув кувуруни, шу жумладан узатиш курilmасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш кудуги бўлиб, у “Истеъмолчи”нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова кудуги магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истеъмолчи”нинг кучи ва маблағи хисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истеъмолчининг хуқуқлари:

а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз хаёти ва соғлиғига, мулкига хавф тұғдирмайдиган даражадаги сифат ва микдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) “Истеъмолчи” хисобидан хисоблаш курilmасини ўрнатиши.

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқлariга хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлами бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаёттанилиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сув билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

#### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлari ва курilmalarining мувофиқ равиша кўриклинишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, кудук қопқокларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамғаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуклардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга карши гидрантларга ўтиш йўлларини беркитмаслик, кўрсатилган ёнгинга карши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) “Истеъмолчи” худудида ёки унинг тасаррufидаги сув кувури, оқова тармоқлari ва курilmalarining устига турли буюм ва материалларнинг йигилишига ҳамда сув кувури, оқова тармоқлari ва курilmalarining устидан иншоотлар курilmasligini, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув кувури, оқова тармоқlari ва kuriilmalarining uстидан иншоотlар kuriiliшига йўл қўймаслик.

г) коммунал сув кувури, оқова тармоқlari ва kuriilmalarining транзит нуктalarida xар қандай шикаstlaniш, бузилишlar ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор қилиш;

д) сувни хисобга олиш приборларida яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигiga шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда хисобга олинмаган ёнгинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дархол ёзма равиша ёки алоқа тармоқlari (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятлariга риоя қилиш, xар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчига” жорий ойнинг охирги кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгилangan микдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг мебёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлari ва юридик манзилидаги ўзгаришlar ҳақида хабардор қилиш;

и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва оқова тармоқlari, курима ва мосламалarнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини мебёрдаги кўрсаткичлara га ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” худудида жойлашган сув ўлчаш тармоғi, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимlariда xар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни кўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимlariни обьектlariга шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дархол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни коплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикаstlaniш бартараф этиш ва бехуда сарф килинган сув нархини тўлаши шарт.

#### 3.3. Таъминотчининг хуқуқлари:

а) “Таъминотчи” куйидаги холларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш хукукiga эга:

б) “Истеъмолчи” худудида жойлашган ва унинг тасарrufidagi сув узатиш ва оқова тармоқlari, мосламa ва kuriilmalarining техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қонidalariни бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллari талабига кўра бартараф этамаса;

в) “Таъминотchi”ning вакили истeъmolchi худудида жойлашган ва унинг тасарrufidagi bўlган сув узатиш ва oқova тармоқlari, мосlамa va kuriilmalariда iшlар oлиб бориш, tamfa ўrnatiшga va boшka iшlarda “Иsteъmolchi” томонидан асоссиз ҳalakt berilgan takdirda;

г) “Таъминотchi” томонидан режали олдинни олиш таъmirлаш iшlарini, сув ўtказish ва oқova тармоқlariда iшlар bажariliшиda, “Иsteъmolchi” уларга уланган bўlса, va янги “Иsteъmolchi”larни улаш учун iшlarni ўtказishda;

д) “Иsteъmolchi”ning хизmat kўrsatilishiда ва uning tasarrufidagi kommuнал сув таъminoti ва сув чiқariш хizmatlariiga ўzboшимcha суб-isteъmolchilarning ulanib olganiлиги aниқlanганدا;

е) “Иsteъmolchi” ўrnatiшgan мuddatlarда tўlov xujjatlariiga muvofiq tўlovni amalga oshirmaganda;

ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истъемолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини бергандা;

ж) "Истъемолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилгандага;

и) табиий оғатларда;

й) аварияларда;

к) ёнғин чиқкан ерларга сув етказиш хажмини ошириш зарурияти туғилганда.

#### **3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:**

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини (худудларда хоким томонидан тасдикланган сув бериш жадвалига асосан) таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истъемол обьектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг холатини ва ишини тизимли назорат килишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишида амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истъемолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиши ва сувдан оқилона фойдаланиши аниқлаш, сувни этказиб бериш ва истъемол килишни қатъий назорат килиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиглигини мунтазам равишида назорат килиш ва уларга тенглаштирилган сув истъемол килиш чекловларига риоя килишни назорат килиш;

г) "Истъемолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истъемолчи"лар сув кувур хўжалигининг текширишни (индивидуал хисоблаш курилмаснинг яхши ишлаётгандилгини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпли билан бир марта ўтказиш ва мувофик далолатномаларни тузиш;

е) "Истъемолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пена тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истъемолига оид меъёрий-хукукий ва бошқа хужжатларнинг қабул килингандиги ҳақида "Истъемолчи"ларни хабардор килиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат хаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, қарзларнинг йўклиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истъемолчи"га белгиланганда бепул бериш;

#### **VI. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофик мажбуриятларни бажармаслика ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиқкан зарарни, "Истъемолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истъемолчи куйидагилар учун жавобгардир:

а) сув хисоблаш курилмасидаги тамғалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидағи кисмларнинг унинг худудида ва тасарруфида бўлган тамғаланган хисоблаш курилмаларининг бутунлиги ва сакланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча уланиш олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг касддан бузилишига йўл кўйиш ҳамда сув хисоблаш курилмаларидағи кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгаришиш ҳолатлари учун;

в) конунчилика ўрнатилган бошқа ҳолларда;

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоатлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса "Истъемолчи"худудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл кўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истъемолчи"нинг масбулият ва жавобгарлигига чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат киласди.

4.3 "Таъминотчи"кўйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофик, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчилика ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истъемолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиши учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истъемолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчилика ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчилика ўрнатилган бошқа ҳолларда.

#### **V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби**

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул килинган) сувнинг хисоби хисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичларига мувофик, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚС ва маҳсус устамани хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига teng. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истъемол қилинувчи совук сув миқдорига 2.0 коэффициенти кўлланилади. "Истъемолчи"нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларнинг миқдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истъемолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3 Объект эгаси, автоном сув таъминоти(скважина, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, "Таъминотчи" билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув обьектларидан сув олиш ёки чиқариш учун кўшимида рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбай (артезиан скважинаси, куудак, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимида оқоваларни оқизиши учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истъемолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбайнинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

#### **VI. Алоҳида шартлар**

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, "Истъемолчи" чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда "Таъминотчи" билан далолатнома имзолаши шарт. "Истъемолчи" чиқиб кетгач, сувни хисобга олиш асбоби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик обьектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. "Истъемолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истъемолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб хисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул килинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан куйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суюқлик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

### **Кўйидаги ҳолатларда:**

- 6.3.1. “Истъемолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);
- 6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;
- 6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўрнатилган вактдан ташқари сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;
- 6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома б қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўртacha сарф бўйича аникланади. Хисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гурух истеъмолчилари учун Коиданинг 87-“б”-банди бўйича хисоб-китоб килинади;

6.3.5. “Истъемолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аникланган ҳолатларда;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси кондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг хисоб-китобини олиб бориш бўгинидаги кўйилган химоя қопламига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соғ сарфини аниклаш имконияти чегаралангандаги;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгидан сакланиш гидрантлари ва хонадон кувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аникланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилди ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниклаш ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат килади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган назорат далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узб ташланган кунга қадар хисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниклаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6. “Истъемолчи” коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда “Таъминотчи” томонидан, хоким қарори ва кадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул килинган оқова сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар “Истъемолчи” томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, “Таъминотчи” кечкитирилган тўловнинг хар бир куни учун 0.4 % пени ёзди ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаса, энг аввало кредиторнинг ижрони олишига қаратилган чиқимларини, сўнгра фоизларни, унинг колган қисми эса - қарзининг асосий суммасини узиш учун йуналтирилади.

6.8. “Истъемолчи” хисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг хар бир даври учун, аввалигি ой тўловининг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой хисобга кўшилади. Агар “Истъемолчи” икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга ошириласа, “Таъминотчи” хеч кандай огохлантиришлариз ичимлик сувини етказиб беришини ёки оқова сувларни чиқариб юборишни ундиримагунга қадар тўхтатиб кўйиш хукуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгидан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ “Истъемолчи” зиммасига юқлатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариши тизимидан илгари узб кўйилган ҳолларда кайта улашда II гурух истеъмолчиларидан базавий хисоблаш микдорининг 10 (ун) баробари микдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиши орқали ундирилади;

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида коммунал канализация тизимига жала, ёмғир ва қор сувлари рухсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчига нисбатан ишлаб чиқариши оқова сувларни оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан кўшимча уч баробарлик коэффициент татбиқ этилади. Хисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариш оқова сувларни қабул килиш қоидалари ҳамда ифлослантируви оқизилганилиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартибида мувофиқ кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида “Истъемолчи” га ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истъемолчи”ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, “Таъминотчи” ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 ортирилувчи коэффициентни кўлаш ўйли билан ҳақ ундирилади.

6.12. “Таъминотчи” билан “Истъемолчи”лар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари, курилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиши юзасидан жавобгарлар чегаралари хисобланади:  
а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоқка уланишини узб кўювни кириш кулфи. Кириш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми хисобланади;

б) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми хисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нутқасидаги чиқарув кудуги. Агар чиқарувчи канализация қудуги (камераси) магистрал канализация тармоғига жойлашган бўлса, ушбу қудук ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиши чизиги эса истеъмолчининг маблаги ва воситалари хисобидан амалга оширилади.

### **VII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқсан низолар, келишув йўли билан ҳол килинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иқтисадий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқсан тақдирда, Қонунчилиқда белгиланган тартибида ҳол килинади.

### **VIII. Форс – мажор**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгидан бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкни, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгидан бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичидаги бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган холда ёзма равишида огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилик қилса, томонлардан бири шартномани бекор килиши хукуқига эга.

#### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қиласи. Агарда томонлар ўз хоших ихтиёрлари билан шартномани янгиламаган бўлса ёки тўхтатилмаган холларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий хисобланади.

#### X. Тарафларнинг юридик манзили:

##### «ТАЪМИНОТЧИ»

"Намангандар таъминоти" МЧЖ Дустлик булими  
Манзил: Давлатобод тумани 5-кичик ноҳия 6-а ўй  
Тел: 69-232-36-15  
Х/Р: 22638000900306912568  
Банк: "Ипотекабанк" Намангандар шахар  
МФО: 00223, ИИН: 200048456.  
НДС: код № 314010005776



Рахбар И. Ш. Исаев (Ф.И.Ш. имзо)  
М.ў. «6» 01 2022 й.

##### ПРББУЧИТ «ИСТЕММОЛЧИ»

Манзил 2-КУЧК. КОХЕДАР ЧУЙ  
Тел: 69-232-91-08 факс  
газ/х-р 2310 2000 300 10000 1010  
Банк Паркасий банк  
Банк коди 00014 СТИР 200036 130  
ХХТУТ 91516  
Шахсий ракам 100041960141019073320024001  
Шахсий х-р 9310200030010004010  
Банк Паркасий  
Банк коди 00014 СТИР 201182 919  
938. реc. М. В. Гузельшин  
(газничилик бўлинмаси номи)

Рахбар И.С. Хондайнова (Ф.И.Ш. имзо)  
М.ў. «6» 01 2022 й.

##### Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий асоси тўғрисида"ги Конун талабларига мувофиқ тузилган

«6» 01 2022 й.



ДАВЛАТОБОД СУВОКОВА ШУЪБА КОРХОНАСИ

Ойлар	Микдори	1-бирлик нархи	Сумма	инде- кация	Жами сумма
Январ	1 158,00	3 862,25	4 472 485,50		4 472 485,50
Феврал	752,00	3 862,25	2 904 412,00		2 904 412,00
Март	752,00	3 862,25	2 904 412,00		2 904 412,00
<b>1-чорак</b>	<b>2 662,00</b>	<b>x</b>	<b>10 281 309,50</b>	<b>x</b>	<b>10 281 309,50</b>
апрел			-		-
май			-		-
июн			-		-
<b>2-чорак</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>x</b>	<b>-</b>
июл			-		-
август			-		-
сентябр			-		-
<b>3-чорак</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>x</b>	<b>-</b>
октябр			-		-
ноябр			-		-
декабр			-		-
<b>4-чорак</b>	<b>-</b>	<b>x</b>	<b>-</b>	<b>x</b>	<b>-</b>
<b>Йиллик</b>	<b>2 662,00</b>	<b>x</b>	<b>10 281 309,50</b>	<b>x</b>	<b>10 281 309,50</b>

Таъминотчи:

Истеъмолчи: